

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ИРРИГАЦИЯ ВА КОЛЛЕКТОР-
ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИДАГИ
ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР**

**Ишларни ташкил қилиш,
бажариш ва қабул қилиш**

ШНҚ 3.07.04-2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2020

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ИРРИГАЦИЯ ВА КОЛЛЕКТОР-
ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИДАГИ
ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР**

**Ишларни ташкил қилиш,
бажариш ва қабул қилиш**

ШНК З. 07. 04 – 2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент 2020

ШНҚ 3.07.04-2019 Ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларидағи гидротехник иншоотлар Ишларни ташкил қилиш, бажариш ва қабул қилиш / Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Тошкент, 2019 й.

ИШЛАБ ЧИҚДИ ВА КИРИТДИ: “UzGIP” МЧЖ (В.Ф.Головченко, С.М.Руднев, В.Л.Бабушкин).

МУҲАРРИРЛАР: Ш.С.Хидоятов, Б.С.Садиков (ЎзР. Қурилиш вазирлиги), У.В.Абдуллаев (“UzGIP” МЧЖ)

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИ: Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Ж.И.Болтаев).

КЕЛИШИЛДИ: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги.

ТАСДИҚЛАНДИ: ЎзР. Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 декабрдаги 532-сонли буйруғи.

ШНҚ 3.07.04-2019 “Ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларидағи гидротехник иншоотлар Ишларни ташкил қилиш, бажариш ва қабул қилиш” меъёрий хужжати биринчи бор киритилмоқда.

Ушбу хужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг рухсатисиз тўла ёки қисман чоп этилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

© 2019. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги.

ШАХАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШНҚ 3.07.04-19

ИРРИГАЦИЯ ВА ДРЕНАЖ-КОЛЛЕКТОР ТАРМОҚЛАРИДАГИ ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР. ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, БАЖАРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

**Гидротехнические сооружения на ирригационной и коллекторно-
дренажной сети. Организация, производство и приемка работ**

**Hydraulic structures on the irrigation and collector-drainage network.
Organization, production and acceptance of works**

Амалга киритилиш муддати 2020-01-01

1. ҚҰЛЛАНИШ СОҲАСИ

1.1 Ушбу шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) нинг меъёрлари ва қоидаларига мелиоратив тизимларда қурилиш, гидротехник иншоотларни реконструкция ишларини бажариш ва қабул қилишда риоя қилиниши керак. Күрсатиб ўтилган ишларни алоҳида шароитларда (сейсмик минтақаларда, тупроқ чўкиши кенг тарқалган ҳудудларда) бажариш ва қабул қилиш қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг тегишли боблари ва бундай шароитда бажариладиган ишларга тадбиқ этиладиган бошқа меъёрий хужжатларнинг талабларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозим.

1.2 Ушбу ШНҚ ни ишлаб чиқиша ШНҚ 3.02.01-97, ШНҚ 3.07.01-96 ва бошқа меъёрий хужжатлардан фойдаланилган.

2. НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР

Ушбу ШНҚ да куйидаги норматив хужжатларга ҳаволалар келтирилган:
ҚМҚ 3.07.03-97 Суғориш тизимлари. Ишларни ташкиллаштириш, бажариш ва қабул қилиш;

ҚМҚ 3.02.01-97 Тупроқли иншоотлар, заминлар ва пойдеворлар;
ҚМҚ 3.07.01-96 Дарё гидротехник иншоотлари;
ҚМҚ 3.01.02-00 Қурилишда меҳнат хавфсизлиги;
ШНҚ 3.01.04-04 Қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиш;
ШНҚ 3.01.01-03 “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”;
ШНҚ 3.01.03-09 Қурилишда геодезия ишлари;
ҚМҚ 3.04.02-97 Қурилиш ва иншоотларини коррозиядан саклаш;

3. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу ШНҚ да амалда бўлган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳамда давлат стандартларида келтирилган атамалар ва таърифлардан фойдаланилган.

4. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

4.1 Гидротехник иншоотлар қурилишининг капитал кўйилмаларнинг йиллар бўйича тақсимланиши қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси асосида белгиланади.

Ишларнинг бажариш кетма-кетлиги ва жадаллиги иншоот қурилишига берилган муддат, алоҳида қурилиш жараёнлари орасидаги технологик боғлиқлик ва қурилиш худудининг шароитлари билан белгиланади.

4.2 Ушбу ШНҚ қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси (ҚТЛ) ва ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) ни ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу ШНҚ талабларидан ташқари қуидагилар бажарилиши керак:
идоравий норматив хужжатлар ва стандартларнинг талаблари;
суғориш тизимлари ва иншоотларини қуриш ва қайта тиклашда ШНҚ 3.07.03 талаблари;

пойдевор ва сув сатҳини пасайтиришни тайёрлашда ШНҚ 3.02.01 талаблари;
гидроизоляцияни бажаришда ШНҚ 3.04.02 талаблари;
қурилишда хавфсизлик техникаси бўйича ШНҚ 3.01.02 талаблари.

4.3 Сув сарфи $10\text{m}^3/\text{s}$ бўлган гидротехник иншоотлар учун қурилиш-монтаж ишлари, одатда, намунавий лойиҳалар асосида намунавий ИБЛ ларига боғлиқ ҳолда бажарилиши керак. Намунавий лойиҳа ўз ичига қуидагиларни олади: иншоотларнинг конструктив чизмаси; тупроқ ишларини бажаришнинг технологик схемаси; иншоотнинг монтаж схемаси; талаб этиладиган ишлар ҳажмининг рўйхати.

Сув сарфи $10\text{m}^3/\text{s}$ дан ортиқ бўлган иншоотларда ишлар маҳсус лойиҳа ва ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ)га мувофиқ бажарилади.

4.4 Гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда атроф-мухитни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилиши керак. Қурилишни ташкиллаштириш ва ишларни бажариш бўйича лойиҳаларда қурилиш майдони ва унга туташган худудларда атмосфера, тупроқ ва сувнинг ифлосланишини олдини олиш тадбирлари назарда тутилган бўлиши лозим.

4.5 Мелиоратив тизимлар ва иншоотларнинг ҚТЛ ни ишлаб чиқишида иншоотларни қуриш муддатларини мелиорацияланаётган ерларни қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўзлаштириш ва фойдаланиш бўйича бажариладиган ишлар муддатлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш керак.

4.6 Гидротехник иншоотларни қуриш қурилиш ташкилотлари томонидан, геологик, гидрогеологик ва бошқа маҳаллий шароитлар ҳамда сув ресурсларини муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

5. ГЕОДЕЗИК БЕЛГИЛАШ ВА НАЗОРАТ- ЎЛЧОВ ИШЛАРИ

5.1 Гидротехник иншоотларни барпо этишдаги геодезия ишлари қуийдагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) қурилиш худудида геодезик белгилаш асосини яратиш (тархда ва баландлик бўйича);
- б) магистраль линияларни геодезик режа тузиш асосининг пунктларига боғлаган ҳолда белгилаш ва маҳкамлаш (планда ва баландлик бўйича);
- в) иншоотнинг асосий чизикларини белгилаш ва маҳкамлаш;
- г) иншоотнинг алоҳида элементларини белгилаш;
- д) иншоотлар барпо этилиши тўғрилигининг геодезик назорати;
- е) қурилаётган иншоотларнинг силжиши ва деформациялари устидан геодезик кузатувни амалга ошириш;
- ж) ижро ҳужжатларини тузиш учун зарур геодезия ишларини олиб бориш.

Геодезик белгилаш ишлари давлат тармоғи пунктлари ва геодезик белгилаш асоси, барча иншоотларнинг ўқ чизиклари (боғловчи чизма) белгилаб қўрсатилган ягона координаталар тизимида бажарилган қурилиш майдонининг бош режа чизмаси асосида бажарилади.

Ушбу режа чизмасида алоҳида нуқталарнинг шартли координатлари ва магистраль линияларнинг йўналишлари ёки жойлардаги ориентирларгача бўлган масофалар, мавжуд иншоотларга боғлиқлик схемалари берилган бўлиши мумкин.

5.2 Ҳужжатлар ва материаллар ҳамда натура кўринишида тақдим этилган геодезик белгилаш асосининг белгилари, магистраль, асосий ўқ чизиклари, бошланғич реперлар ва маркаларни маҳкамловчи марказлар буюртмачининг вакиллари томонидан пудратчининг вакилларига далолатнома асосида тақдим этилади (1-категорияли капиталликка эга иншоотлар учун, шунингдек белгилашнинг ўта мураккаб ҳолатларида – лойиха ташкилотининг вакиллари иштирокида берилиши шарт).

5.3 Белгилаш ишлари қуийдаги тартибда бажарилади ва қуийдаги босқичлардан иборат:

геодезик белгилаш асосининг асосий ва ишчи таянч белгиларини давлат текислик-баландлик тармоғига ёки лойиҳада бошланғич тармоқ сифатида қабул қилинган бошқа тармоқка боғлаган ҳолда ўрнатиш ва маҳкамлаш;

сув сатхини ўлчаш пост (рейка) ларини ўрнатиш, уларни асосий таянч белгиларга боғлаш ёки қидирав гурухидан далолатнома асосида қабул қилиб олиш;

барпо этилаётган иншоот худудида магистраль линияларни белгилаш ва маҳкамлаш;

бино ва иншоотларнинг асосий ўқларининг магистрал линиялардан чиқиш жойларини белгилаш ва маҳкамлаш;

иншоотларнинг асосий ўқларини геодезик белгилаш асосининг пунктлари ёки қурилиш сеткасидан кўчириш ва иншоотларнинг айrim элементларини белгилашнингёрдамчи чизикларинимаҳкамлаш;

Изоҳа: “а-г”бандларида кўрсатилган ишлар буюртмачи томонидан, “д” пунктигача бўлган ишлар эса пурратчи томонидан бажарилади.

5.4 Иншоот элементларини батафсил белгилаш қурилиш-монтаж ташкилоти томонидан иншоот алоҳида қисмларининг ишчи чизмалари ёки иншоотнинг ўқларига боғланган маҳсус белгилаш схемалари асосида бажарилади.

5.5 Барча белгилаш ишлари, шу жумладан белгилаш белгиларини ўрнатиш ҳам худудда ўрнатилган барча белгилари магистралга боғланган кўринишда кўрсатиб берилган чизмаларни илова қилган ҳолда геодезик ишлар журналида қайд этилиши лозим. Белгилар ишларни бажариш жараёнида силжиш ва шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

5.6 Геодезик белгилаш асосининг пунктлари ва белгилари қурилиш даври давомида сақланиши ва иншоотнинг эксплуатацияга топширилиши вақтида далолатнома асосида белгиларнинг жойлашиш схемаси ва уларнинг таърифланиши илова қилинган ҳолда буюртмачига топширилиши керак.

5.7 Барпо этилаётган иншоотнинг ҳолати эксплуатацияга топширилгунга қадар ташқи кўрик ва асбоблар ёрдамида тизимли равишда текшириб борилади. Текширувлар тартиби ва муддати қурилишнинг бош муҳандиси томонидан белгиланади.

5.8 Иншоот ҳолатининг геодезик назоратида қўйидагилар текшириллади:

а) барпо этилаётган иншоотнинг лойиҳавий ўлчамлари, жойлашуви ва допускларига риоя қилиниши;

б) иншоот ёки унинг қисмлари силжишларининг умумий катталиги, уларнинг бир маромда ўзгариши ва вакт мобайнида уларнинг ўсиб боришининг жадаллиги.

Иншоот ҳолатини текширишдан аввал бошлангич кузатув пунктлари (створ белгилари, реперлар, назорат нуқталари ва бошқалар) нинг қўзғалмаслигини аниқлаш мақсадида уларнинг асбобий назоратини пухта бажариш лозим.

5.9 Гидротехник иншоотларнинг силжиши ва деформацияланиши (чўкиши, кўчиши, оғиши ва бошқалар) устидан геодезик кузатув лойиҳа ташкилоти томонидан тузилган техник топшириқ асосида бажарилади.

Иншоотнинг деформацияланиши устидан геодезик кузатув буюртмачи томонидан амалга оширилади. Иншоотнинг деформацияланишини кузатиш деформацияларни катта-кичиклигини аниклаш мақсадида бажарилади.

5.10 Иншоотда ёриқларнинг юзага келиши ёки чоклар бузилиши рўй беришининг барча ҳолатлари нуқсон юзага келган сана, унинг хусусияти ва носозликларнинг эҳтимолий сабаблари белгилаб қўйиладиган журналда зудлик билан қайд этилиши керак. Журналга деформация ҳосил бўлган участканинг расм-чизмалари ва имкон қадар фотосуратлари илова қилинади. Қурилаётган иншоотда бундай деформациялар юзага келишининг барча ҳолатлари хақида буюртмачи, лойиха ташкилоти ва пудратчи хабардор этилиши керак.

5.11 Назорат текширувлари ва кузатувларининг натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, иншоотни эксплуатацияга топширишда ижро чизмаларини тузиш учун бошланғич материал сифатида фойдаланилиши керак.

5.12 Қурилиш майдонида назорат ўлчовлари, бажарилган ишларнинг хатловдан ўтказилиши бажарилаётганда ёки тугалланган конструктив элементлар ва бутун иншоотларнинг буюртмачи томонидан қабул қилиниши вақтида қурилиш-монтаж ташкилотининг геодезия хизмати ходимлари асбобий геодезия ишларини қурилишнинг бош муҳандиси кўрсатмаларига биноанамалга оширишлари керак.

6. ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ. ИНШООТ КОТЛОВАНИНИ ҚАЗИШ

6.1 Объектдаги ер қазиш ишлари иншоот қурилиши учун ажратилган худудда бажариладиган барча белгилаш ва тайёргарлик ишлари тугатилиб, қабул қилинганидан сўнг бошланади.

6.2 Белгилаш ишларини амалга оширишда ушбу ШНҚ нинг 2-бўлими ва ШНҚ 3.01.03 да келтирилган кўрсатмаларга амал қилиш лозим.

6.3 Очиқ конлар ва қазиладиган жойлардаги очиш ва тупроқ чиқариш ишларини бажаришер иншоотлари заминлари, очиқ конлар юзасидан ва қазилган жойдан олинган ҳосилдор тупроқ қатламини, кейинчалик худудни рекультивация қилишда фойдаланиш учун шу тупроқ сақланадиган жойларни аниклаб берувчи қурилишни ташкил этиш лойиҳаси асосида белгиланади.

6.4 Суғориш тизимларидаги тармоқ иншоотлари учун котлованлардаги тупроқ ишлари каналлардаги тупроқ ишлари билан бир пайтда ёки уларнинг қурилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб борилади. Иккинчи ҳолатда канал ва чуқур орасида кўтарма қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

6.5 Ерни заҳ қочириш тизимларида, иншоотлар учун котлован қазиш ишлари, каналдаги тупроқ ишлари батамом тугагандан кейин бажарилиши мақсадга мувофиқ. Ишларнинг ушбу кетма-кетликда бажарилиши қурилиш майдонларидағи ер ости сувлари сатхининг олдиндан пасайишини таъминлайди ва котлованларни қуритишни осонлаштиради.

6.6 Иншоотларни қуришда қурилиш майдончасини тайёрлаш ва қирғокларга туташтириш бўйича дараҳтлар ва буталарни кесиш, иншоотлар заминидаги ўсимликлар қатламини олиб ташлаш каби ишларни бажариш лозим.

6.7 Коллектор-дренаж тармоғида иншоотлар қурилишидаги тупроқ ишлари тупроқ шароитлари билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Бўш, ўпирилиб кетувчи тупроқларда (кумлоқларда) котлованларни қазиш ишлари 2-3 босқичда, котлован чуқурлиги ер ости сувлари сатхининг пасайиб боришига мос равишда лойиха кўрсатгичига етгунга қадар олиб борилади.

Ер ости сувларининг сатхини пасайтириш чора-тадбирлари ва усулини аниклашда ШНҚ 3.07.03 (9.7-б.) ва ШНҚ 3.02.01 (2-бўлим) кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

6.8. Серсув, бўш тупроқларда ер кавлаш механизмлари ёрдамида тупроқ ишларини бажаришни ботқоқликларда ишлашга мўлжалланган кенгайтирилган гусенициали, тупроққа 0,12-0,2 кг/см² босим ўтказувчи механизмлар билан амалга ошириш тавсия этилади.

6.9. Ер ости сувлари сатхидан баланддаги тупроққа маҳкамланмаган ҳолда барпо этиладиган чуқурлар ва бошқа вақтинчалик кавланган жойлар, шу жумладан сув сатхини сунъий пасайтириш орқали қуритилган тупроқларда қирғоқнинг энг тикка қиялигини ШНҚ 3.02.01 (3.11-б.) талабларига мос равишда қабул қилиш тавсия этилади.

Қояли тупроқларда портлатиш ишларини қўллаш орқали кавланган ерлардаги қирғоқ қиялигининг тиккалиги лойиҳада белгиланган бўлиши керак.

6.10. Иншоотлар котлованларининг ўлчамлари пойdevор конструкцияларининг жойлашуви, гидроизоляция, қолиплаш (опалубка) ва маҳкамлашларни ҳисобга олган ҳолда 0,2 м гача кўшиб белгиланиши керак. Агар котлован қияликларида одамлар ҳаракатланиши лозим бўлса, қиялик ости билан иншоот орасидаги масофа 0,3 метрдан кам бўлмаслиги керак. Вертикал деворли котлованда конструкциянинг ён томон юзаси билан маҳкамлагичлар орасидаги масофа 0,7 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Иншоотларнинг катта пойdevорлари учун қазиладиган котлованларининг ўлчамлари қазиш ишлари, конструкцияларни бетонлаш, сув чиқариб ташлаш ва бошқа ишларни бажариш учун мўлжалланган механизмлар ёрдамида амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳада белгиланиши керак.

6.11. Кейинчалик қайта түлдирилиши назарда тутилган котлованларда қирғоқлар қиялигини текислаштириш амалга оширилмаслиги керак. Қояли тупроқларда, портлатилган тоғ жинслари тозаланиб ташлангандан сүнг, қияликларда қолиб кетган турғун бўлмаган тоғ жинсларининг бўлаклари олиб ташланиши керак.

6.12. Тупроқлардаги иншоотлар котлованларининг лойиҳадаги белгиларгача қазилиши замин тупроқларининг табиий қатламларини сақлаб қолган ҳолда, лойиҳавий белгиларгача амалга оширилиши керак (катта тошли, қояли ва атмосфера таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартирадиган тупроқларни истисно қилганда). Иншоотлар котлованларининг жойини ўйиш, одатда, эксковаторлар билан амалга оширилади (коралама қазиш), котлованларнинг лойиҳа белгиларигача етказиб қазиш, одатда, қўл меҳнати билан (якуний қазиш) амалга оширилади.

Нисбатан катта бўлмаган ва ортиқча намланиб кетмаган котлованларда тозалаш ишлари бульдозерлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Коралама ўйиш ишларини ШНҚ 3.02.01 (4-жадвалининг 1-4 сатрлари) да келтирилган четланишлар билан бажаришга рухсат берилади. Бевосита конструкцияни барпо этишдан олдинги заминни якуний тозалаш ишлари эса ушбу жадвалнинг 5-сатрида келтирилган четланишлар билан бажаришга рухсат берилади.

6.13. Котлованнинг туби ва қияликларида қазилганда қолиб кетган ерларни лойиҳада қўрсатилган белгиларгача тозалаш усули қурилишнинг ташкиллаштириш лойиҳасида белгиланади.

6.14. Иншоотлар чўкувчи тупроқларда қурилганда лойиҳада назарда тутилган маҳсус талабларга мувофиқ тупроқни бошланғич намлантириш ишлари амалга оширилади.

6.15. Гидротехник иншоотлар котлованларидағи атмосфера таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартирувчи тупроқларида қазиш ишлари ҳимоя қатламини қолдириш орқали амалга оширилади. Қатлам қалинлиги ва қазиб очилган тупроқнинг атмосфера таъсири остида қолишининг давомийлиги лойиҳада белгиланади.

6.16. Котлованларни қоя тошсиз тупроқларда (валун катта тош ва палахса тошли тупроқлардан ташқари) керагидан ортиқ чуқур қилиб қазилишига йўл қўйилмайди.

Харсанг тошли ва палахса тошли тупроқларда қазилаётган котлованларнинг айрим керагидан ортиқ чуқур қилиб қазилган участкалари замин тупроғи билан бир хилдаги тупроқ билан заминнинг табиий қатламлари зичлиги даражасигача зичлантирилади.

Материаллар ва тупроқни зичлаш даражаси лойиҳа ташкилоти билан келишилиши керак.

6.17. Қоятошли тупроқлар учун лойиҳада, иншоотларнинг гурухидан келиб чиққан ҳолда, қоятошли заминни сақлаб қолишга қўйиладиган алоҳида маҳсус талаблар ҳисобга олиниши керак.

6.18. Қоятошли тупроқлардаги котлован тубида керагидан ортиқ чуқур қилиб қазилган участкалар бўлмаслиги керак. Котлован туби ва қияликлари белгиларининг шпурли зарядлар ёки қоя парчалайдиган болғалар билан якуний тозалангандан кейинги якуний чегаравий четланишлари лойиҳада белгиланиши лозим. Лойиҳада бундай кўрсатмалар бўлмаса, якуний чегаравий четланишлар катталиги ҚМҚ 3.02.01 (4-жадв.) бўйича қабул қилиниши керак.

6.19. Буюртмачи ва қурилиш ишларини бажараётган ташкилот ушбу ишларнинг сифатини назорат қиласди.

6.20. Ишлар сифати устидан техник назорат қурилиш жараёнида амалга оширилиб, бажарилган ишлар лойиҳага мос келиши ва ШНҚ талабларига риоя қилинишини тизимли равишда кузатиб боришдан иборат бўлади.

6.21. Иншоотлар котлованларини қазиш сифатини назорат қилиш барча бажарилган ишларни текшириш ва уларнинг лойиҳага ҳамда ишларни бажариш лойиҳасидаги қуйидаги кўрсаткичларга мос келишини текширишдан иборат:

иншоот трассаларининг тарҳда ва профилдаги жойлашиши ва геометрик ўлчамлари;

котлован туби ва қияликлари белгиларининг якуний оғишлари катталиги; табиий заминларда очилган тупроқнинг тури ва характеристикаси, замин ва қияликлардаги турпокнинг лойиҳада кўрсатилган зичликка мослиги ва бошқа геотехник характеристикаси;

тупроқ қазиш технологиясига риоя қилиниши.

7. НАМИ ҚОЧИРИЛГАН УЧАСТКАЛАРДА ТУПРОҚ МАТЕРИАЛЛАРИДАН БОСИМ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ИНШООТЛАРНИ БАРПО ЭТИШ

7.1 Босим ҳосил қилувчи гидротехник иншоотларва уларнинг элементлари (кўтармалар, понурлар, ядролар, экранлар, ёстиклар)ни тупроқли материаллардан барпо этишда ушбу бўлим қоидаларидан ташқари ШНҚ 3.07.01 талаблари ҳам бажарилиши керак.

7.2 Гидротехник иншоотлар кўтармаларидағи тупроқ қуруқ тупроқнинг лойиҳада берилган зичлик даражасигача зичланиши лозим. Берилган катталиклардан четланиш лойиҳа ташкилоти билан келишилиши керак.

7.3 Кўтармалар ва бошқа тупроқли иншоотларнинг танасини тупроқ тўкиш орқали ҳосил қилиш учун профилли қазиб олинган тупроқлар (уларнинг физик-механик характеристикаси кўтарма тупроқлари учун лойиҳавий

талабларга мос келиши шартида) ёки маҳсус танлаб олинган очиқ коннинг тупроқлари ишлатилиши мумкин.

7.4 Кўтарма ва ёстиқларни тупроқ тўкиш орқали барпо этишдан аввал қоятошли бўлмаган заминлар намланиши ёки оптимал намлик даражасигача қуритилиб, лойиҳага мувофиқ зичланниши керак.

7.5 Заминаларнинг силлиқ юзаси, шунингдек кейинги ҳар бир зичланган қатламнинг юзаси боғловчи тупроқларнинг биринчи қатлами барпо этишдан аввал, бороналаш билан юмшатилиши керак. Кулачокли катоклардан фойдаланилганда зичланган юза юмшатилмаса ҳам бўлади.

7.6 Тупроқнинг қатламларини тўкиш четдан ўртага қараб бажарилади. Автомобилларнинг ҳаракатини қатламнинг бутун кенглиги бўйича ташкил этиш керак. Намлиги юқори ва бўш заминларда тупроқ қатламларини тўкиш тупроқ уюмининг ўртасидан четга қараб 3 м баландликкача, кейин эса четдан ўртага қараб бажарилади.

7.7 Йирик синик материалдан иборат тупроқларни тўкиш орқали босим ҳосил қилувчи кўтармаларни барпо этишда йирик синик фракцияларнинг рухсат берилган ўлчами тўкиладиган қатлам зичланган қалинлигининг ярмидан ошмаслиги, ундан йирикроқ фракциялар эса чиқариб ташланиши керак. Синик материални бир ерга тўпламасдан жойлаштириш керак, бунда унинг умумий ҳажми тўкиладиган тупроқнинг лойиҳада кўрсатилган грануламетрик таркибидағи ҳажмдан ошмаслиги керак.

7.8 Тупроқни тўкишда, атмофера ёғинларининг оқиб кетишига имкон яратиш мақсадида, катта бўлмаган нишабликда текисланади.

7.9 Кўтарманинг ишчи юзаси, ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ тупроқни тўкиш, текислаш, намлаш ёки қуритиш ва тупроқни қатламлаб зичлаш ишлари олиб бориладиган горизонтал карталарга бўлиниши керак.

Карталарнинг бир қатламдаги туташиб нисбати 1:2 дан катта бўлмаган қиялик билан бажарилади. Участкани бир нечта қатлам билан илгарилатиб тўлдиришда ушбу участканинг бошқаси билан туташтирилиши нишаблиги 1:4 дан катта бўлмаган қияликда амалга оширилади.

7.10 Кўтармаларни турли тупроқлардан қатламлаб ҳосил қилишда тупроқнинг бир зонадан иккинчи зонага тушиб қолишига йўл қўйилмайди.

7.11 Тупроқли экранга эга гидротехник кўтармаларни барпо этишда, фильтровчи материалнинг боғловчи тупроқ билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, фильтровчи материални тўкиш ишлари иншоот лойиҳасида белгиланган илгарилатиш билан бажарилиши лозим.

7.12 Қишки даврда кўтармаларни барпо этиш ишлари қишида бажариладиган ишларга қўйиладиган техник шартларга риоя қилган ҳолда бажарилиши керак. Кўтармаларда қор ва муз бўлиши тақиқланади. Музлаган бўлаклар миқдори тўкилаётган тупроқ ҳажмининг 15% дан ошмаслиги керак.

Тўкилган тупроқнинг картада зичланмасидан аввал музлаб қолишига йўл кўйилмайди.

Қишики даврда шунингдек ҚМҚ 3.07.01 (4.17 ва 4.18-бб.) талаблари ҳам бажарилиши лозим.

7.13 Гидротехник кўтартмаларнинг тош ташлаб ҳосил қилинувчи ён томон призмалари сифатини назорат қилишда тошнинг зичлиги ва гранулометрик таркибини аниқлаш талаб этилади, бунинг учун ҳар бир қават (ярус)да ташланган тошларнинг 20-50 минг м³ учун битта шурф очилади.

7.14 Мустаҳкам (бетонли) маҳкамланадиган қияликлар тупроғининг лойиҳада кўзда тутилган зичлигини таъминлаш мақсадида қияликка тупроқ ташлаш ишлари қияликка нисбатан нормал бўйича 20-40 см га кенгайтириб бажарилади. Ортиқча тупроқнинг қиялиқда кесиб олиб ташланиши бевосита қияликни маҳкамлаш ишларидан олдин бажарилади. Кесиб олинган тупроқ, зарурат туғилганда, иншоотнинг кўтартмаларида ишлатилиши мумкин.

7.15 Қияликларни ўт (майса) экиш, тош ташлаш, шағал тўкиш ва шу каби ишлар ёрдамида маҳкамлашда кўтартмалар лойиҳадаги профилда кўрсатилган энгиликка нисбатан кенгайтирилмасдан ҳосил қилинади.

7.16 Босим ҳосил қилувчи гидротехник иншоотлар тупроғининг асосий характеристикаларини аниқлаш учун тупроқнинг назорат намуналари унинг тури, ҳажмига боғлиқ ҳолда 1-жадвалда келтирилган миқдорларда олинади.

Тупроқдан намуна олиш усуслари қўйидагича:

- а) металл цилиндрлар ёрдамида;
- б) 30 x 30 x 30 см ўлчамга эга рамкали чуқурча кўринишида;

Шурфдан намуналар олиш усуслари қўйидагича:

- а) 60 x 60 x 60 см ўлчамга эга рамкали чуқурчалар;
- б) 1,5 x 1,5 x 1,5 м ли шурфлар.

1-жадвал

Тупроқлар	Тупроқ намуналарини олиш усувлари	Тупроқ характеристикаси	Назорат намуналари учун тупроқ ҳажми
Йирик аралашмаларсиз лойли ва қумли	Металл цилиндрлар ёрдамида	Ҳажмий оғирлик ва намлик Тупроқнинг бошқа характеристикалари (I ва II класс иншоотлар учун)	100-200 м ³ 20-50 минг м ³
Тош ва тош қотишмали шағалли / майда силлиқ тошли ва майда донадор тупроқлар (йирик фракциялар қўшилган)	Шурфдан	Ҳажмий оғирлик ва намлик Гранулометрик таркиб Тупроқнинг бошқа характеристикаси (I ва II класс иншоотлар учун)	200-400 м ³ 1-2 минг м ³ 20-50 минг м ³

Назорат учун олинадиган намуналар иншоот бўйлаб ҳамда тупроқ зичлиги пастрок бўлиши мумкин бўлган жойлардан бир маромда олиниши керак.

7.17 Гидротехник иншоотлар пойдеворларининг ён томонлари кўмиб кўйилган кўтармалардан олинадиган намуналар пойдевордан 0,2 м масофадан олиниши шарт. Тупроқ намуналари олинадиган жойлар, иншоотнинг турли қисмларидаги тупроқнинг барча қатламлари зичлик даражасини текширишни таъминлаш мақсадида, иншоотнинг плани ва баландлиги бўйича бир хилда жойлашган бўлиши керак.

7.18 Кўтармалар тўкилиши ва бир турдаги материалдан иборат қайтиб кўмиб ташлаш сифатининг асосий кўрсатгичи қуруқ тупроқнинг лойихада кўрсатилган зичлиги, яъни тупроқ скелетининг зичлиги ҳисобланади.

7.19 Очиқ кондаги аниқланган тупроқ захиралари лойихадаги қурилиш ҳажмини таъминлаши керак. Фойдали тупроқ захираларини ҳисоблашда очик коннинг устки қисми ва сифатсиз тупроқнинг линзаси ҳисобга олинмайди.

7.20 Очик кондаги тупроқнинг умумий захираси, тўкилган тупроқнинг ортиқча зичланиши, тупроқни ташиб келтириш ва тўкиш вақтидаги йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, қуриладиган иншоот ҳажмидан кўпроқ бўлиши керак.

7.21 Намлик даражаси етарли бўлмаса, боғловчи тупроклар, одатда, ишлатиладиган жойнинг ўзида яхшилаб намланади. 1 м³ тупроқ намлигини ошириш учун керак бўладиган сув миқдори қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$g = Yc * (Wo - Wk - Wn), \quad (1)$$

бу ерда:

Yc – очик кондаги қуруқ тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, т/м³;

Wo – оптимал намлик (улуш бирлиги, %);

Wk – очик кондаги тупроқнинг намлиги (улуш бирлиги, %);

Wn – тупроқни қазиб олиш, ташиб келтириш ва тўкиш давомида намликнинг йўқотилиши (улуш бирлиги, %).

Кўтармаларни тупроқни сувга тўкиш усули билин барпо этиш

7.22 Тупроқни сувга тўкиш усули кўтарма, босим ҳосил қилувчи иншоотлардаги фильтрация олдини олувчи қурилмаларни барпо этишда ҳамда бетон ва тупроқли иншоотлар туташувидаги ён тараф бўшлиқларини кўмиб ташлашда қўлланилади. Ушбу усул ШНҚ 3.07.01 талабларига мувофиқ бажарилиши керак. Кўтармаларни бундай усулда бажариш учун лойиха ташкилоти томонидан маҳсус техник шартлар ишлаб чиқилиши лозим.

8. ТҮСИҚЛАРНИ БАРПО ЭТИШ

8.1 Мавжуд каналлар, коллекторлар ва дарёлар қайрида жойлашган иншоотларнинг котлованлари ҳимояловчи түсиқлар билан ўралиши лозим. Қурилиш даврида түсиқларнинг юқори нуктаси сув сатхидан қанчалик баланд бўлиши ШНҚ 2.06.01 (2-бўлим.) нинг талабларига мувофиқ белгиланади.

8.2 Түсиқларнинг юқори нуктасидаги қирра кенглиги сув сизиб чиқиши билан боғлик хисоб-китоблар асосида ҳамда уларни барпо этишда қўлланиладиган қурилиш машиналарининг габаритларига боғлик ҳолда белгиланади, ушбу кўрсаткич 3,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

8.3 Сув оқимини тўлалигича янги ўзанга оқизиб юборишда түсиқларни барпо этишдан аввал канал, қувур ва шу каби сув чиқарувчи иншоотлари қурилади.

8.4 Түсиқларни қуриш юқори бъеф томонида тупроқ кўтартмасини (банкет) тўкишдан бошлаш ва унинг ҳимоясида аввал юқори, кейин эса пастки түсиқларга тупроқ тўкиш ишларини бажариш керак. Тупроқ кўтартмага ташланадиган тупроқнинг тури ва унинг физик-механик хусусиятлари лойиха билан белгиланади.

8.5 Сув сатхидан баландда бўладиган барча турдаги түсиқларнинг замини лойиха талаблари асосида тайёрланган бўлиши лозим. Түсиқларнинг тузилмаси сув оқимининг ҳақиқий замини ва сувларнинг замин орқали фильтрланиш (сизиб чиқиш) имкониятини бартараф (камайтириш) этишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

8.6 Қурилиш учун ковланган жойлардан олинган фойдали тупроқ мавжуд бўлса, түсиқларни ана шу тупроқлардан барпо этиш имконияти кўриб чиқилиши керак.

8.7 Тош тўкиш орқали барпо этиладиган түсиқларда фильтрланишга қарши экранни қуриш иншоот котлованидаги сувни чиқарилишидан аввал бажарилади.

8.8 Котловандан сувни чиқариб ташлаш комиссия томонидан, буюртмачи, пудратчи ва лойиҳачи ташкилот вакилларининг иштирокида кўрик ўтказилгандан сўнг ва түсиқларнинг сув босимини қабул қилиб олишга тайёрлиги ҳақидаги далолатнома тузилиб, уларнинг ҳолатини қузатиб турish учун сутка давомидаги навбатчилик ўрнатилгандан сўнг бошланади.

8.9 Сувни чиқариб ташлаш ва баҳорги тошқинлар даврида түсиқнинг носоз қисмларини ўз вақтида таъмирлаш ва тиклаш учун материалларнинг авариявий захираси етарлича миқдорда тайёрлаб қўйилиши лозим.

8.10 Сувни чиқариб ташлашдаги сув сатхи камайишининг тезлиги суткасига 0,5 м дан ошмаслиги керак. Бунда түсиқ қияликларининг пастки қисми ва қирғоқ билан туташган жойларидаги ҳолатга алоҳида эътибор бериш керак. Агар тупроқ ювилгани аникланса, ювилган жойга фильтрловчи материал жойлаштирилиб, мустаҳкамлаш ишларини бажариш керак.

8.11 Баландлиги 5 м гача бўлган тўсиқлар қиялигининг тикилиги ШНҚ 3.07.03 (11-жадвал) да берилган кўрсатгичлардан оширмаган ҳолда қабул қилиниши, тўсиқ баландлиги 5 м дан ортиқ бўлганида эса – ҳисоб-китоблар орқали аниқланиши керак.

8.12 Гидротехник иншоотнинг қурилиши тугагандан сўнг, иншоотни аста-секинлик билан намлаташ мақсадида, биринчи навбатда, котлованинг пастки тўсиғи, кейин эса – юқори тўсиғи бузиб ташланади.

8.13 Кўтармаларни барпо этиш ва қайта кўмиш ишлари учун техник талаблар, чегаравий оғишлар, назорат ҳажмлари ва усуллари ШНҚ 3.02.01 (7-жадвал) да келтирилган талабларга мос келиши керак.

9. СУВ ОҚИМИНИ ВАҚТИНЧАЛИК СУВ ЎТКАЗИШ ИНШООТЛАРИГА БУРИБ ЮБОРИШ

9.1 Мавжуд ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларидағи гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш ва куриш вақтида тасарруфида канал ва коллекторлар бўлган тегишли эксплуатация хизматлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида қабул қилинган ва келишилган сувнинг қурилиш билан боғлиқ сарфларини четга чиқариш ва ўтказиш бўйича тадбирлар назарда тутилган бўлиши керак.

9.2 Сув сарфининг тўлалигича янги ўзанга буриб юбориш, одатда, тўсиқларни барпо этиш бўйича ишлар сув йўли тўсиладиган ойда, минимал сарфлар вақтидаги минимал горизонтлар (сатхлар)га мослаштириб бажарилади.

9.3 Канал ёки коллекторнинг ҳисобланган сарфи деб уларнинг тўсиб кўйиладиган ойдаги максимал ҳисобланган сарфи қабул қилинади, бунда ишчи лойиха ва ишчи чизмалар босқичидаги ҳисоблашда сарфнинг ортиб кетиш эҳтимолини (қисқа муддатли прогнозни ҳисобга олган ҳолда) 20% га тенг деб қабул қилиш керак. Агар сув оқимини бўғиши створидан юқорироқда бошқариш иншооти бўлса, унда ҳисобланган сарф сифатида бошқариш иншоотларининг, эксплуатация хизмати билан келишиб, камайтирилган маҳсус эксплуатацион сарфи қабул қилинади.

9.4 Сув йўли тўсилаётганда тубнинг сув билан ювилишини олдини олиш мақсадида, ўзан бошланғич тўсишни бошлашдан аввал, унинг вақтинча қолдирилган очик жой оралиғида ўзанни мустаҳкамланишини таъминлаш керак. Маҳкамлагичларнинг ўлчамлари ва материаллари, оқимнинг рухсат этилган тезликлари ва тупроқ тўкиш шароитларига боғлиқ ҳолда лойиҳада белгиланади.

9.5 Сув йўлини тўсиш ишларини бошлашдан аввал қуйидаги тайёргарлик ишлари бажарилиши лозим:

сув йўлини тўсиш учун лозим бўлган материаллар захираларини ташкил этиш ва уларни имкон қадар сув йўли тўсиладиган жойга яқин қилиб жойлаштириш;

сув ташлаш ўзанини сув сарфини буриб юбориш учун тайёрлаш; механизмлар, экскаваторлар, бульдозерларни ишларни бажариш лойиҳасида назарда тутилган жойга жойлаштириш.

9.6 Сув чиқарувчи иншоотига сувни тушириб юборгандан сўнг каналлар орқали ҳисобланган қурилиш сарфининг ўтказиб юбориш бошлангунга қадар тўсиқларга, юқори ва қуий бъефлардан лойиҳадаги белгиларгача, тупроқ тўкиш керак.

10. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

10.1 Ер иншоотлари жойида ўтказилган текширув ҳамда техник ҳужжатлар ва назорат текширув далолатномалари асосида, ёпиқ ишлар далолатномалари ўрганилгандан кейин қабул қилинади.

10.2 Қуидагилар ёпиқ ишларни кўрикдан ўтказишиш далолатномасини тузиш орқали қабул қилинади:

кўтармаларнинг заминлари, дренаж иншоотларининг мавжудлиги;

кўтармалар ва қазилган жойлар заминидаги тупроқларнинг алмаштирилиши;

кўтармалар заминларининг мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тадбирлар (мўл ва юқори сатхли ер ости сувлари, карст ва шу каби ҳолатларга қарши курашиш);

иншоотлар котлованларининг пойдеворлари учун заминлар; очик конларни тупроқ қазиш учун тайёрлаш.

10.3 Қазилган жойлар ва кўтармаларни қабул қилишда қуидагилар текширилиши керак:

иншоотлар трассаларининг план ва профилда жойлашиши, иншоотларнинг геометрик ўлчамлари, қирғоқ ва туб белгилари, бўйлама нишабликлар;

тупроқнинг зичланганлик даражаси;

қияликларнинг тикилиги ва уларни мустаҳкамланиши;

ёпиқ ишлар далолатномалари ҳамда кўтармалардаги, шу жумладан қиши пайтида барпо этиладиган кўтармалардаги тупроқ сифатига қўйиладиган лойиҳа талабларига риоя қилинганликни тасдиқловчи далолатномаларнинг мавжудлиги.

10.4 Иншоотлар ва конструкцияларни қабул қилишда иштирок этувчилар таркиби, ёпиқ ишларни ва иншоот конструкцияларини қабул қилиш далолатномаларининг шакллари ШНҚ 3.01.01 (6 ва 7-иловалар) да белгиланган.

11. ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРНИ ҚУРИШДА БЕТОН ИШЛАРИНИ ТАШКИЛҚИЛИШ ВА БАЖАРИШГА ҚҮЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

11.1 Бетон ишларини ташкил қилиш, күлланиладиган материаллар ва бетонлаш усуллари мустаҳкамликнинг лойихада кўрсатилган кўрсатгичлари (бетон маркаси, унинг сув ва тупроқнинг емирувчилигига чидамлилиги ва бошқалар) бўйича талабларига жавоб берувчи бетон конструкциялар тайёрланишини таъминлаши керак.

11.2 Бетон қоришмаси тўлдирувчиларни дозалаш ва бетон етказиб бериш бўйича автоматик тизимга эга заводда тайёрланиши керак.

11.3 Ёрдамчи корхоналар маҳсулдорлигини аниқлашда қуйидагиларни қабул қилиш керак:

энг катта бетон ишларининг ҳажми энг юқори бўлган йилнинг иссиқ давридаги бетон қуиши ишларининг ўртача интенсивлигидан келиб чиққадиган бетон хўжалигининг қуввати;

арматура ишларига талаб энг катта бўлган йилдаги арматура конструкцияларига бўлган бир ойлик ўртача талабдан келиб чиқадиган арматура цехларининг қуввати;

бетон ишлари ҳажми энг катта бўлган йилдаги цементнинг бир ойлик талабидан 30% дан катта бўлмаган миқдордаги, темир йўл рельслари яқинидаги цемент сақлаш ёки ишлатиш омборларининг сифими;

бетонга қўшиладиган тўлдиргичлар сақланадиган омборларнинг, ушбу тўлдиргичлар қурилиш майдонига қурилиш транспорти билан келтирилганда, бетон ишлари ҳажми энг катта бўлган йилдаги бир ойлик ўртача талабнинг уч кунлик захирасидан кўп бўлмаган сифими. Темирийўл транспорти билан келтирилганда – 7 кунлик захира миқдори.

11.4 Етиб бориши қийин бўлган худудларда қурилиш ишлари учун материаллар захираси ва омборхона ҳажми муайян шароитардан келиб чиқиб аниқланиши керак.

11.5 Бетон қоришмасининг бетон заводидан уни тўкиш жойигача бўлган транспортда етказиб берилиши ишларни бажариш лойихасида кўзда тутилган восита ва механизмларни қўллаш орқали амалга оширилади. Бетон қоришмасини транспортда етказиб беришнинг қабул қилинган усуллари бетон қоришмасининг бир хиллигини, керакли даражадаги харакатчанлигини ёки қаттиклигини ҳамда берилган ҳароратда сақланишини кафолатлаши керак. Бетон қоришмасини 15 км дан узоқ бўлган масофага транспортда етказиб берилиши автобетон аралаштиргичларда бажарилиши керак. Бетон қоришмасига цементнинг муддатини бошқарувчи моддалар қўшилганда, уни 15 км дан олис масофага бошқа турдаги транспорт воситалари билан етказиб берилишига рухсат берилади.

11.6 Бетон қоришмасини бетонлаш блокларига жойлаштириш ишларни бажариш лойихасида кўрсатилган кетма-кетликда амалга оширилиши керак.

11.7 Бетон қоришмасини иншоотларнинг курилиш блокларига механизациялаштирилган усулда жойлаштиришни рационал ташкил қилиш учун куйидагиларни инобатга олиш зарур:

а) танлаб олинган бетон заводлари, бетонни етказиб бериш, бетон қоришмасини текислаш ва зичлаш ишларида иштирок этувчи транспорт воситалари ва техник воситаларининг маҳсулдорлиги ўзаро боғланган бўлиб, иншоотда бетонлашнинг ҳисоблаб чиқилган жадаллигига мос келиши керак.

б) бетон қоришмасини қўйиш технологияси (бетон қоришмасининг берилаётган порциясининг ҳажми, блокка бир пайтда қўйилаётган қатламларнинг сони ва баландлиги, қатламларни қоплаш майдони ва бошқалар) бетонни етказиб бериш, текислаш ва зичлашда қўлланаётган бетон қўйиш воситаларининг маҳсулдорлигига боғланган бўлиши лозим.

11.8 Блокларнинг алоҳида қатламларини бетонлаш ишлари орасидаги танаффусларнинг давомийлиги 1 соатдан 3 соатгача бўлишига йўл қўйилади ва қурилиш лабораторияси томонидан ҳаво ҳароратига боғлик ҳолда аниқлаштириб борилади.

Қурилишдаги бетон қоришмаси ва бетоннинг сифати таркибида малакали ходимлари бўлган қурилиш лабораторияси ва техник инспекция томонидан мунтазам равишда назорат қилиниши керак.

11.9 Монолит конструкцияларга қўйилаётган бетон қоришмасининг ҳаракатчанлиги ва қаттиқлиги, конструкциянинг ўлчамлари, қўйилган арматуранинг зичлиги, транспортда ташиб усуллари ва бетон қоришмасини қўйиш вақтида зичлаш учун қўлланиладиган воситаларга боғлик равишида тайинланиши ва нуксонсиз бетон конструкцияларининг тайёрланишини таъминлаши керак.

11.10 Мавжуд материалларнинг таҳлили ва гидротехник иншоотларни куришда бетон ишларини бажариш тажрибаси асосида бетон қоришмасини қўйиш лаҳзасидаги ҳаракатчанликнинг таҳминий катталиги (конуснинг чўкиши) 2-жадвалга мувофиқ белгиланиши мумкин ва техник инспекция (курилиш лабораторияси) томонидан бетонлашнинг амалдаги шароитларидан келиб чиқсан ҳолда аниқлаб борилади.

2-жадвал

Бетонланаётган конструкцияларнинг характеристикаси	Стандарт конуснинг чўкиши, см
Ишчи арматурасиз массив бетон тузилмалар	1-3
Арматура миқдори 0,5% гача бўлган массив конструкциялар	3-6
Арматура миқдори 1% гача бўлган темирбетон конструкциялар	6-8
Арматура билан тўйинган (арматура миқдори 1% дан кўп) темирбетон конструкциялар	8-12

11.11 Бетон қоришиларниңгишчи таркиблари(рецептуралари) курилиш лабораторияси томонидан белгиланиб, лойиха ташкилоти билан мувофиқлаштирилади ва қурилишнинг бош мұхандиси томонидан тасдиқланади.

11.12 Монолит бетондаги түлдирувчиларнингчегаравий йириклиги конструкциянинг энг кичик ўлчамининг 1/3 қисмидан, темирбетон ва мустахкамланган конструкцияларда арматуралар ўқи оралиғидаги энг кичик масофанинг 3/4 қисмидан ошмаслиги керак.

11.13 Бетон қоришинас тайёрланғанданто иншоот блокига етказиб берилгунча қотишни тартиба солувчи құшымчаларсиз транспортда ташишга сарфланған вакт, мавжуд тажрибадан келиб чиққан ҳолда, 3-жадвалда келтирилған тахминий қийматлардан ошмаслиги керак.

3-жадвал

Яңғы тайёрланған бетон коришинаснинг ҳарорати, °С	Кориши мани транспортда ташиш ва қуиши нинг рухсат этилған чегаравий муддати, соат
5 – 10	1,50
10 – 15	1,25
15 – 20	0,75
20 – 25	0,50
30 – 35	0,25

Қотиш муддати узайтирилған ёки қотишни секинлаштирувчи құшымчалари (капталаштирилған дозлардаги СП, СДБ ва б.) қүшилған цементлар құлланилғанда кориши мани транспортда ташиши нинг рухсат этилған муддатлари 1,5 – 3 баробаргача узайтирилиши мүмкін.

11.14 Бетон қоришинасни етказиб бериш учун қуидагилар құлланилиши мүмкін:

фақат бетон қоришинасни етказиб берувчи ёки ҳам ташиш, ҳам етказиб беришни бажара оладиган автосамосваллар;

эстакадада ўрнатылған кранлар;

иншоот заминига, шунингдек иншоотларнинг ўзига ўрнатылған кранлар;

иншоот яқинига ўрнатылған автобетон насослар.

11.15 Бетон қоришинасни бетонлаш блокларига узатиб беришда иккى хил бадья (катта идиш) лар ишлатилади: түлдириш жойидан транспорт воситасида олиб кетиладиган, бурилмайдиган ва бетон қоришинас горизонтал ҳолатда қуйиладиган жойда транспорт воситалари (автосамосвал) дан түлдириледиган, буриладиган (түнкариладиган), шунингдек вертикаль ҳолатда бетонлаш блокларига кранлар ёрдамида етказиладиган бадьялар.

11.16 Бетон қоришинаснинг бадья билан блокларга етказишида, унинг қатламларга ажралиб қолишини олдини олиш мақсадида, қоришинаснинг эркин тушиш баландлыги имкон қадар минимал бўлиши керак ва арматурасиз конструкциялар учун 6 метрдан, арматурали конструкциялар

учун 2 м дан ва турли хоналар, потернлар ва галереялардаги ораёпмаларга қоришка етказиб беришда 1 м дан ошмаслиги керак.

Бетон қориши маси тўлдиргичларининг ўлчами 80-120 мм бўлса, бетон қориши масини 3 – 6 м баландликдан эркин ташлашга унинг конус чўкиши бўйича харакатчанлиги 2 – 4 см га teng бўлгандағина йўл қўйилади.

11.17 Бетон қориши масини виброхартумлар ёрдамида етказиб бериш фақатгина зич арматураланган блокларда, кран ёрдамида етказиб беришнинг имкони бўлмаган ва бетон қориши масини тушириш баландлиги 10 м дан кўп бўлганида амалга оширилади.

11.18 Бетон қориши масини тушириш чуқурлиги 10 м дан кам бўлганда элементларининг узунлиги 600 – 1000 мм ва ички диаметри тўлдиргичларининг энг катта йириклигидан уч баробар катта бўлган металл звеноли хартумлардан фойдаланиш керак.

11.19 Автосамосвалларнинг вибрация ёрдамида аввалдан ётқизилган бетон юзасидан харакатланишига ушбу юзанинг мустаҳкамлиги 3 МПа дан кам бўлмаган кўрсатгичга етганда, каток билан текисланган бетонда эса – чегараланмаган тарзда рухсат берилади.

11.20 Опалубканинг тури ва конструкциясини танлаш ишларни бажариш лойиҳасида, техник-иктисодий ҳисоблар асосида, қурилиш шароитлари ва иншоотни эксплуатация қилишнинг ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

11.21 Опалубканинг тури ва материалидан қатъи назар, унинг бетонга бевосита тегиб турувчи қисми зич ва текис бўлиши керак; цемент эритмаси ва цемент аралашмасининг сизиб кетишига йўл қўймаслик керак.

11.22 Опалубка ва уни тираб турувчи конструкцияларни маҳкамлаш усуллари талаф этилган аниқликни ва бетон қуйилаётган иншоот шакли ўзгармаслигини таъминлаши лозим.

11.23 Опалубкаларни блоклардан ечишга бетоннинг мустаҳкамлиги камида 1,5 МПа га teng кўрсатгичга етганда ва блокнинг иссиқлик режимига қўйилган талаблар бажарилгандағина рухсат берилади.

11.24 Блокларни бетонлашга тайёрлаш ишлари тугагандан сўнг, техник инспекция (қурилиш лабораторияси), дирекция ва лойиҳа ташкилоти вакилларидан иборат комиссия далолатнома тузиш билан бирга заминнинг бетонлашга тайёр эканини, гидроизоляция ва бошқа ёпиқ ишлар бажарилганини, шунингдек опалубкалар, арматуралар, бетонга жойланадиган металл қисмларнинг ишчи чизмаларга мувофиқ ўрнатилганини текширади.

11.25 Массив иншоотларнинг блокларидаги бетон қориши масини текислаш ва зичлаш ишлари механизациялаштирилган усулда амалга оширилиши керак.

11.26 Күл вибраторлари массив бўлмаган конструкциялар учун, майдони 20 m^2 дан ошмаганда кичик ва зич жойлашган блокларда ёки бетонлаш ишларининг интенсивлиги тахминан $10\text{ m}^3/\text{соат}$ бўлганда кўлланилади.

Қоришмани зичлаш ишларини бажариш ҳаддан ташқари қийин бўлган қалин арматураланган конструкцияларда, лойиха ташкилоти билан келишилган ҳолда, вибрация ёрдамида зичлаштиришсиз қўлланиладиган қўйма бетонлар ёки, масалан, бетон тарқатиш мосламаси билан жиҳозланган бетоннасослари орқали конструкциянинг бурчаклари ва ташқи томонларида кўл вибратори билан ишланадиган юқори қайишқоқликка эга бетон қоришмаларидан фойдаланиш мумкин.

11.27 Бетон қоришмаларини қияликларда зичлаш кенг юзали вибраторлар ёки вибро линейкалар ёрдамида пастдан юқорига қараб бажарилади.

Тиккалиги 1:3 нисбатдан кам бўлган қияликларни бетонлашда бульдозерлардан фойдаланишга рухсат берилади. Қоришмани текислаш ишлари пастдан юқорига қараб бажарилади. Одатда, бульдозерлардан фойдаланиш бетонлаш ишларининг ҳажми катта бўлганда “Ишларни бажариш лойихаси” талабларига риоя қилган тарзда амалга оширилади.

11.28 Бетонни сақлаш чора-тадбирлари, уларни амалга ошириш тартиби ва муддатлари, опалубкаларни конструкциялардан ечиб олиш кетмакетлиги ва муддатлари ишларни бажариш лойихасида белгиланган бўлиши керак.

11.29 Одатда, гидротехник конструкцияларда янги ётқазилган бетонни сақлаш бетоннинг мустаҳкамлиги 0,6 МПа га етганида бошланиши ва камида 14 сутка ёки блокнинг устига янги блок қўйилгунгача давом эттирилиши керак.

11.30 Иншоотларнинг бетон юзаларини гидроизоляция қилишда ШНҚ 3.04.02 талаблари бажарилиши керак.

12. ҚИШ ШАРОИТИДА БЕТОН ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

12.1 Ташқаридаги ҳаво ёки замин ҳарорати манфий бўлган шароитларда бетон ишларини бажаришга қўйиладиган алоҳида талаблар қуидаги шартлардан бири мавжуд бўлганда қўйилади:

- ташқи ҳавонинг кунлик ўртача ҳарорати 0°C дан паст бўлганда;
- ташқи ҳавонинг кунлик минимал ҳарорати минус 5°C ва ундан паст бўлганда;
- бетон ётқизишга тайёрланаётган заминнинг ҳарорати 0°C дан паст бўлганда.

12.2 Қиши шароитида бетон ишларини бажариш лойихада иншоотлар монолитлигини сақлаб қолишга қўйилган талабларга қатъиян риоя қилган ҳолда, лойихада назарда тутилган мустаҳкамлик, сув ўтказмаслик ва совуқса

бардошлик кўрсаткичларига эга бетонбелгиланган муддатларда тайёр бўлишини тъминлаши керак.

12.3 Чодир остида ёки иситувчи мосламалар ҳимоясида бетонланадиган блокларга етказиб бериладиган бетон коришмаси бетонни қуийш вақтида 5°C дан паст бўлмаган ҳароратга эга бўлиши керак. Усти очик блокларда бетонлаш ишларига тайёргарликни бажаришга минус 10°C гача бўлган ҳароратда рухсат берилади.

12.4 Опалубкани иситиш ва бетонни фаол иссиқлик ҳимояси билан боғлик барча ишлар блокни бетонлаш ишлари бошланмасдан олдин бажарилиши керак.

12.5 Пойдевор ва аввал қуийлган бетон юзасидаги, шунингдек опалубка, арматуралар ва бетонга жойланадиган металл қисмлардан музни йўқотиш лозим ва пойдеворлар, ён тараф юзалари, арматура ва бетонга жойланадиган металл қисмларни мусбат температурагача қиздириб олиш керак.

13. БЕТОН ВА БЕТОН ИШЛАРИНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

13.1 Бетон ишларининг сифатини назорат қилиш лойиха ва амалдаги ШНҚ 2.06.08 талаблари бажарилишини мунтазам равишда текшириш ва кузатиб боришдан иборат.

13.2 Бетон ишларининг сифатини назорат қилиш қурилиш ташкилоти номидан қурилиш лабораторияси ва техник инспекция, лойиха ташкилоти номидан муаллифлик назорати гурухи, буюртмачи номидан эса техник назорат вакиллари томонидан бажарилади.

13.3 Бетон ишларининг бажарилишида қуидагилар мунтазам равишда назорат қилиниши керак:

- а) бетон учун ишлатиладиган бирламчи материаллар сифати, уларни тайёрлаш ва бетон заводига етказиб бериш технологияси;
- б) бетон коришмасини тайёрлашда таркибий қисмлар дозаланишининг тўғрилиги, уни аралаштириш вақти ва бетон коришмасининг ҳарорати;
- в) бетон коришмасини транспортда ташиш воситалари ва усувлари, ташиш вақтида коришма хусусиятларининг ўзгариши;
- г) бетонлаш блоклари ва бетон ётқизиш воситаларининг бетонни қабул қилишга тайёрлиги;
- д) бетон коришмасини етказиб бериш ва қуийш қоидаларига риоя қилиниши, коришма зичланишининг сифатини текшириш;
- е) ётқизилган бетонни сақлаш ва барпо этилаётган конструкцияларининг ҳарорат режимини бошқариш бўйича зарур чораларини бажариш;
- ж) ётқизилган бетон сифатини назорат намуналарини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш, кернларни бургулаш ва уларни синаш, шунингдек бетонда бурғуланган қудукчаларда сув шимилишини синаш орқали назорат қилиш;

3) ётқизилган бетонда нұқсонлар мавжудлиги ва уларни бартараф қилишга қаратылған тадбирларнинг бажарилиши.

13.4 Бетон мустаҳкамлигини монолит, йиғма бетон ва темирбетон конструкциялардан олинған назорат намуналари бүйича баҳолаш ишлари қурилиш лабораторияси томонидан ШНҚ 2.06.08 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

13.5 Бетон заводларида ишлаб чиқарыладиган бетон қоришмаларининг сифатини назорат қилиш ШН 2.06.08 га мувофиқ бажарилиши лозим.

14. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

14.1 Гидротехник иншоотлар қурилишидаги ишлар сифатининг ишлаб чиқариш ва операцион назорати ва ишларни қабул қилиниши алоҳида ишлар ва иншоотларнинг конструктив элементлари ва умуман иншоотлар бүйича ишларни ташкил этиш, бажариш ва қабул қилиш бүйича тегишли нормаларнинг талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

14.2 Монолит ва йиғма бетон ҳамда темирбетон конструкцияларни қабул қилиш ШНҚ 3.01.01 ва ШНҚ 3.03.01, металл конструкцияларни қабул қилиш эса ШНҚ 3.03.02 кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

14.3 Сув сарфи 10 м³/секунддан кўп бўлган барча гидротехник иншоотлар асбобий ва визуал текширувдан ўтказилиши лозим; сув ўтказиши қобилияти 10 м³/с дан кам бўлган иншоотлар ишларни қабул қилиш комиссиясининг ихтиёрига кўра танлаб текширилади.

Чокларнинг зичланғанлиги, понур ва шпунтларнинг бетон ва темирбетон тузилмаларга туташиши, юқ кўтариб турувчи асосий конструкциялар сифатли бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иншоотларни текшириш давомида, комиссиянинг ихтиёрига кўра, алоҳида элементлар бузиб очиб кўрилиши, тескари йўналиши фильтрлар таркибини аниқлаш, ётқизилған бетон ва бошқа ишлатилған қурилиш материалларининг сифатини текшириш амалга оширилиши мумкин.

14.4 Бажарилған конструкцияларнинг лойихага мувофиқлиги кўрикдан ўтказилиб текширилганидан кейин гидротехник иншоотларда монтаж қилингандай затворлар ва кўтариш мосламалари юкламаларсиз синовдан ўтказилади. Бунда затворлар тўғри ўрнатилғанлиги, улар билан манёвр қила олиш шартлари текширилади.

Иншоотларни юклама остида комплекс тарзда синовдан ўтказишида зичланишнинг сифати, кўтарилиш вақти ва кўтариш-химоялаш қурилмаларининг эксплуатацион хусусиятларини кўрсатиб берадиган бошқа маълумотлар аниқланиши керак.

Барча металл қисмлар коррозияга қарши ҳимояланған бўлиши керак. Затворларнинг ёғочли қисмлари антисептик билан қопланған бўлиши лозим.

14.5 Сув ўтказиш қобилияти 10 м³/с дан күп бўлган йиғма бетон ва темирбетонли иншоотларда ишларни қабул қилиш жараёнида қуидагилар аниқланишилизим:

а) элементлар, конструкцияларни тўғри ўрнатилганлиги, элементларни жисплашув зичлиги;

б) чокларнинг пайвандланганлиги ва текисланиши, шунингдек улардаги гидроизоляциянинг сифати;

в) заминни, гидроизоляцияни тайёрлашга оид ишларниоралиқ қабул қилиш бўйича далолатномаларининг мавжудлиги;

г) монтаж ва пайвандлаш ишлари, ҳамда чоклар текисланганлиги қайд этиладиган журналнинг мавжудлиги;

д) конструкциянинг монтаж қилинган қисмларини оралиқ қабул қилиш далолатномаларининг мавжудлиги;

е) чокларни пайвандлаш ва монолитлаштириш ишларининг лаборатория текшируви (синов) маълумотларининг мавжудлиги.

14.6 Курилиш материаллари, ярим фабрикатлар ва деталларнинг сифати қуидагилар асосида текширилади:

а) йиғма конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг паспортига қараб;

б) монтаж ва пайвандлашда ишлатиладиган материал ва электродларга берилган сертификатлар бўйича.

Комиссиянинг ихтиёрига қараб қўшимча лаборатория синовлари ўтказилиши мумкин.

15. КУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА АТРОФ-МУҲИТ ҲИМОЯСИ

15.1 Курилиш жараёнида ҳудуд ифлосланишининг олдини олиш учун курилиш майдони ва унга ёндош ҳудудларнинг курилиш чиқиндилари ва ахлатлар билан ифлосланишини истисно қилувчи қуидаги чоралар назарда тутилиши керак:

курилиш машиналари, механизmlар ва транспорт воситалари туродиган майдоннижихозлаш;

машина, механизм ва транспорт воситаларига техник хизмат факат маҳсус майдонларда кўрсатилишини таъминлаш.

15.2 Курилиш майдонлари техник ва майший чиқиндилар, ишлатилган мойларни жамлаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

15.3 Ишлатилган мойларни очик сув манбаи ёки тупроқ юзасига қуиши қатъиян ман этилади.

15.4 Курилиш-монтаж ишларини бажаришда ШНҚ 3.01.01 (10-бўлим), ШНҚ 3.02.01 (9-бўлим), ШНҚ 3.07.01 (8-бўлим), ШНҚ 3.07.03 (13-бўлим) қоидаларида келтирилган табиатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя қилиш лозим.

М У Н Д А Р И Ж А

1. ҚҰЛЛАНИШ СОҲАСИ	3
2. НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР	3
3. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	4
4. ҮМУМИЙ ҚОИДАЛАР	4
5. ГЕОДЕЗИК БЕЛГИЛАШ ВА НАЗОРАТ-ҮЛЧОВ ИШЛАРИ	5
6. ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ. ИНШООТ КОТЛОВАНИНИ ҚАЗИШ	7
7. НАМИ ҚОЧИРИЛГАН УЧАСТКАЛАРДА ТУПРОҚ МАТЕРИАЛЛАРИДАН БОСИМ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ИНШООТЛАРНИ БАРПО ЭТИШ	10
8. ТҮСИҚЛАРНИ БАРПО ЭТИШ	14
9. СУВ ОҚИМИНИ ВАҚТИНЧАЛИК СУВ ЎТКАЗИШ ИНШООТЛАРИГА БУРИБ ЮБОРИШ	15
10. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ	16
11. ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРНИ ҚУРИШДА БЕТОН ИШЛАРИНИ ТАШКИЛҚИЛИШ ВА БАЖАРИШГА ҚҮЙИЛАДИГАН ҮМУМИЙ ТАЛАБЛАР	17
12. ҚИШ ШАРОИТИДА БЕТОН ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ. ҮМУМИЙ КҮРСАТМАЛАР	21
13. БЕТОН ВА БЕТОН ИШЛАРИНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. ҮМУМИЙ КҮРСАТМАЛАР	22
14. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ	23
15. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА АТРОФ-МУХИТ ХИМОЯСИ	24

